


ЎЗБЕКИСТОН

QISHLOQ XO'JALIGI

ISSN 2181-502X

№10 . 2012

*Хирмонингга барака,
бободехқон!*



ризм, ўсимлик, резавор мевалар, кўзкорин ва бошқа ўрмон маҳсулотларини йиғиш мақсадида ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи. Ижро этувчи ҳокимият ва қонунчилик идоралари томонидан тўғридан-тўғри кириш тақиқланмаган аниқ ўрмон ҳудудларида кўрсатилган турларда маҳаллий аҳолининг анъанавий фойдаланиш шартлари ва мақсадларига мувофиқ фойдаланиш учун ўрмон хўжалиги қорхонлари қармоқдаги (фойдаланишидаги) мулкларни ҳисобланган ўрмон билан қопланган барча ер участкаларига тегишлидир.

– қирғоқ полосалари – дам олиш, туризм, балиқ олаш ва бошқа рекреация мақсадлари учун қирғоқ бўйи полосалари сув объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи. Кўрсатилган мақсад учун аҳолининг тартибли фойдаланиши ва сув объектларига туташган акватория, эгаллик (фойдаланиш) мулкида бўлган ер участкаларига тегишлидир;

– қурилиш-таъмирлаш полосалари – бошқа ер участкаси чегараларига туташган пойдевор, девор, том, биё ва иншоотларни таъмирлаш учун қурилиш материалларини

сақлаш ва қурилишбоп ёғочларни ўрнатиш ҳуқуқи;

Хулоса қилиб айтганда, фермер хўжалиги раҳбарлари ва фуқароларнинг истиқомат қилаётган ва фаолият юритаётган ҳудудлардаги сервитут объектлари тўғрисида кенг тушуначаларга эга бўлишлари, улар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган ерлан фойдаланишидаги келишмовчиликларнинг олдини олиш билан бирга ҳуқуқий оғти ва маданиятнинг юксалишига хизмат қилади.

О. СОАТОВ,
тадқиқотчи

ЎЎТ: 631.22.018.001.5

Илм ва амал

БИОЛОГИК ГАЗ ОЛИШ ҚУРИЛМАЛАРИДАН ЧИҚАЁТГАН СИФАТЛИ ОРГАНИК ЎЎТ

Мамлакатимизда кейинги йилларда иккиламчи энергия олиш қурилмаларининг оммалаштирилиши қишлоқ хўжалигининг учта асосий кўрсаткичларини ривожлантиради. Биринчидан, табиатта ишловсиз аэроб усудда чиқариб ташланаётган органик моддалар парчаланишидан ҳосил бўладиган глобал иссиқта сабаб бўлувчи иссиқхона газларини кескин камайтиради.

Иккинчидан, арзон, ортиқча харажатларсиз чорва ҳайвонлари ва органик моддалар чиқиндиларига анаэроб ишлов бериб, иккиламчи энергия – биологик газ олиш имконияти яратилади.

Учинчидан, минерал ўғитларнинг ўрнини босувчи зарарли тузларсиз (асосий ҳисобланган) юқори сифатли органик ўғит олинади. Охиригида бирламчи органик модда таркибидagi бегона ўт туҳумлари, турли хил касалликлар тарқатувчи гелментлар тўлиқ йўқотилади.

Тажрибалар органик чиқиндиларга анаэроб ишлов бериш жараёнида, унинг дастлабки кимёвий таркиби асосий роль ўйнаши аниқланди. Анаэроб ишлов беришнинг уч турдаги ҳарорат режимида, яъни психрофиль ҳарорат -5 дан $+20$ °C гача, мезофиль ҳарорат $+32-33$ °C гача, термофиль ҳарорат $+50$ дан $+60$ °C гача ишлаши ҳақида кўпгина маълумотлар мавжуд. Интенсив ва солиштирма харажатлари кам ва қулай ҳисобланган термофиль режимида (52 ± 2 °C ҳароратда) ишлаётган биологик газ олиш қурилмасидан ўтказилган тажрибаларимизда биореакторга солинаётган суткалик доза 200 кг (хўжалигида ўртача 12 бош қорамол бўлган хўжалик учун) ни ташкил этди.

Тажрибаларда биореактордан чиқаётган ишлов бериб бўлинган биочикинди (шлам) нинг таркиби унча катта бўлмаган оралиқда ўзгарши борлиги аниқланди. Бунда кислоталар миқдори 600 мг/кг. дан 990 мг/кг. гача, кислотали миқдор рН 6,2–7,8 оралиғида, фосфор 0,1 фонздан 0,4 фонзгача, калий миқдори 0,3 фонздан 0,6 фонзгача, темир миқдори 26,8 мг/кг. дан 350 мг/кг. гача ўзгарди. Мўътадил ишлай бошлаган (тўрт

ойдан ортиқ узлуксиз ишлаётган қурилма) биологик газ олиш қурилмасида дастлабки солинаётган органик чиқиндилар 70–80 фонзгача парчаланиб, парчаланмай қолган қисмида ишлов берилишидан олдинги бўлган бир қисм миқдордаги бактериал муҳитга чидамли литини ва кутин ҳамда янги турдаги бактериал хужайралар ва бир қисм кислота қолар экан. Анаэроб ишлов берилган бундай таркибда дастлабки органик чиқинди таркибидagi органик азот аммоний ёки органик ҳолатда сақланиб қолар экан. Бу эса биологик газ олиш қурилмасидан чиқаётган шламни органик ўғит сифатида ишлатиш имконини беради.

Шламни ишлатиш натижасида экин ерлари тупроғининг физикавий таркиби – сувни сақлаб туриш, тупроқ аэрацияси ва унинг филтрацияси яхшиланиб, қолдиқ органик модда энергия бериш манбаига айланиб, тупроқ бактерияларининг ривожланишига олиб келади. Натижада тупроқ таркибидagi бактерияларнинг кимёвий озукаси ҳосил бўлиб ўсимликлар истеъмол қиладиган муҳит вужудга келади, ривожланиши жадаллашади. Тажрибаларимиз натижалари таҳлили биогаз қурилмалардан олинadиган шлам ҳосилдорликни ўртача 25 фонзгача оширишини кўрсатаётти.

Аниқланишича, кўкатларга таркибидagi нитратли азот, биологик газ олиш қурилмаларида ишлов берилган шлам ишлатилганда 340 мг/кг. дан 365 мг/кг. гача, комплекс минерал ўғитлар ишлатилганда 1940,4 мг/кг. дан 1980,8 мг/кг. гача бўлиши аниқланган.

Демак, биологик газ олиш қурилмаларидан олинаётган шламни иссиқхоналарда ишлатиш жуда катта иқтисодий самара беради ва уларни қўллаш қулай бўлиб, ҳосил таркибидagi нитратли азот деярли олти бараваргача камади.

Ш.ИМОМОВ,
ТНМИ Бухоро филиали доценти,
Э.ШОДИЕВ, Т.ҚАЮМОВ, К.ҲСМОНОВ,
тадқиқотчилар